

№3-илова

## "ТАСДИКЛАЙМАН"

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни  
ривожлантириш агентлиги Наманган  
вилоят худудий бошқармаси бошлиги

Ш.Имамов

4 ноябр 2022 йил

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан "ONLINE MAHALLA" платформаси орақали кам таъминланган оиласарга куриб бериладиган "Енгил типдаги иссиқхона" бўйича

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Буюртмачи	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари
2	Буюртма мазмуни	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан "ONLINE MAHALLA" платформаси орақали кам таъминланган оиласарга куриб бериладиган "Енгил типдаги иссиқхона"
3	Объектнинг жойлашган манзили	Наманган вилояти Норин тумани
4	Қатнашувчилар учун талаблар	10 та "Енгил типдаги иссиқхона" (7 метр x14 метр= жами 100 метр <sup>2</sup> =9 000 000) сўмдан жами 90 000 000 (Тўқсон миллион) сўм
4	Тижорий таклифларни тақдим этиш шартлари	Бажариб берувчи томонидан "Енгил типдаги иссиқхона" куриб берилгандан сўнг хисоб варакларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан бажарилган ишлар юзасидан ўтказиладиган маблағлар ҚҚС билан қўшиб хисобланади. Шартномага асосан 90 000 000 (Тўқсон миллион) сўмлик режалаштирилган.
6	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Бажарилган ишлар бўйича хисоб китоблар счёт фактура мос равища, далолатнома, ижтимоий шартнома, топшириш далолатномалари амалга оширилади.
7	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил 20 ноябргача
8	Молиятштириш манбаи	Махаллий бюджет
9	Маъсул шахс	Юнусов Ҳамидулло
10	Маъсул шахс ва телефон раками	+99893 778 79 73

## "ТАСДИКЛАЙМАН"

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни  
ривожлантириш агентлиги Наманган  
вилоят худудий бошқармаси бошлиғи



Ш.Имамов

4 ноябрь 2022 йил

## БУЮРТМАЧИ:

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш  
агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси Аҳолини  
тадбиркорликка жалб қилиш

### **ЖАМҒАРМАСИ**

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш  
агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан  
“ONLINE MAHALLA” платформаси орқали кам таъминланган  
оиласарга “Енгил типдаги иссиқхона” қуриб бериш бўйича

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш  
агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси**

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунига асосан рўйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1 Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан "ONLINE MAHALLA" платформаси орқали кам таъминланган оиласарга "Енгил типдаги иссиқхона" қуриб бериш бўйича

1.2. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилояти худудий бошқармаси бундан бўён (Буюртмачи деб аталади), Наманганская область, Наманган, Наманган шаҳар Тўрақўрғон кўча 206-а уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят худудий бошқармаси томонидан "ONLINE MAHALLA" платформаси орақали кам таъминланган оиласарга қуриб бериладиган "Енгил типдаги иссиқхона"лар "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга Наманган вилоятидан рўйхатдан ўтган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми;

Низом маблағи микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензиага эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайды:  
Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига [танлов ташкилотчисига] тақдим этилиши хақида мурожаат қилишга хаклидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартриш киритиш хуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчилика белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчилиқда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчилиқда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбўрдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул килишга хақми. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш туғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.
- 6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар ва кам таъминланган фуқароларнинг яшаш манзилига қуриб бериш бўйича тузилади.

## **№1-илова**

- 1.** Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати
- 2.** Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлар
- 3.** Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси, ходимлар сони ҳамда малакалари бўйича кўрсатгичлар.
- 4.** Охирги уч йилдаги молиявий ахволи хақидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хуносаси ёки молиявий натижалар хақидаги хисоботлар (баланс хисоботлар)нинг нусхаси билан Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот
- 5.** Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги иш тажрибаси.
- 6.** Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 40 % кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.
- 7.** Иштирокчининг омбордаги маҳсулотлар рўйхати

**№2-илова****Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.**

Тендер комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг қўйидаги критерияларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

<b>№</b>	<b>Критериялар номи, мазмуни</b>	<b>Энг юқори балл</b>	<b>Фоиз хисобида</b>
<b>1</b>	Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати	<b>10</b>	
<b>2</b>	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	<b>10</b>	
<b>3</b>	Танлов иштирокчисининг иш хақи жамғармаси, ходимлар сони ҳамда малакалари бўйича кўрсаткичлар.	<b>10</b>	
<b>4</b>	Охирги уч йилдаги молиявий ахволи ҳақидаги хужжатлар, аудитор компаниясининг хуносаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги хисботлар (баланс хисботлар)нинг нусхаси билан Танлов иштирокчисининг салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот	<b>10</b>	80%
<b>5</b>	Танловдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги иш тажрибаси.	<b>15</b>	
<b>6</b>	Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 40 % кам бўлмаган микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.	<b>10</b>	
<b>7</b>	Иштирокчининг омбордаги маҳсулотлар рўйхати	<b>15</b>	
<b>8</b>	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи, (система томонидан)		<b>20%</b>